### *Ўзбекистон — Ўмон:*

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўмон Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил декабрида тан олган. Икки мамлакат ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1992 йил апрель ойида ўрнатилган.

Юртимизга ташрифи чоғида Саид ал-Лаватий Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатасида учрашувлар ўтказди. Элчи жаноблари, шунингдек, ЎзФАнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонаси ҳамда пойтахтимизнинг бошқа диққатга сазовор жойлари билан танишди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбати чоғида элчи сафар натижалари ва икки давлат муносабатларининг истиқболлари хусусида фикр юритди.

Дипломатнинг айтишича, Ўзбекистон билан Ўмон кўп жиҳатдан ўхшаш мамлакатлар ҳисобланади. Халқларимизни ягона дин, бир-бирига яқин ва ўхшаш маънавий қадриятлар ҳамда ислом маданияти ўзаро боғлаб туради. Ҳар икки давлат ҳам бой тарихга эга. Ўзбекистон мусулмон оламига ўзининг маънавий ва интеллектуал мероси, ислом цивилизацияси тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний ва бошқа буюк олим ҳамда мутафаккирлари билан машҳур.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар истиқболлари ҳақида гапирар экан, элчи яқин кунлар ичида Ўзбекистонга Ўмон Султонлиги олий таълим вазири Ровия бинт Сауд ал-Бусайдия хоним ташриф буюришини айтиб ўтди. Мазкур ташриф мамлакатларимизнинг таълим соҳасидаги сермаҳсул ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Шу йилнинг апрель ойида Ўмон Султонлиги халқ таълими вазири Яҳё бин Сауд ал-Сулаймоний юртингизга ташриф буюрганини инобатга оладиган бўлсак, мамлакатларимизнинг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги кенг кўлам касб этаётгани намоён бўлади.

— Айни пайтда биз ўмонлик ишбилармонларнинг Ўзбекистонга ташрифини ташкиллаштириш билан боғлиқ ишларни амалга оширяпмиз, — дейди элчи жаноблари. — Бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши кутилмоқда. Ўзбекистон билан Ўмонда сайёҳлик соҳасида улкан салоҳият мавжудлигини ҳисобга олсак, томонлар бу борада ҳам ҳамкорликни ривожлантириш учун яхши имкониятларга эга. Бунга, шунингдек, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари ва диққатга сазовор жойларини зиёрат қилиш чоғида ҳам ишонч ҳосил қилдим. Юртингиз нафақат Ўмон, балки Форс кўрфази мамлакатлари сайёҳларини жалб этиш учун зарур бўлган шарт-шароитларга, хусусан, муҳташам меҳмонхоналар, йўл инфратузилмаси, гўзал ва ҳушманзара табиатга эга, шунингдек очиққўнгил ва меҳмондўст инсонлари билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон мустақиллик йиллари давомида иқтисодий тараққиёт, шунингдек, сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишда салмоқли ютуқларни қўлга киритди.

Ўмон элчиси Саид ал-Лаватий Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз халқига равнақ ва фаровонлик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда янгидан-янги муваффақиятлар тилаб қолди.

**Жамшид МУТАЛОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**

### *Авиация соҳаси:*

# ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аммо ҳозирга қадар мамлакатимизда барча вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар авиацияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудида учишларни амалга оширувчи чет эллик фойдаланувчилар авиацияси парвозларининг асосий қоидаларини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилмаган эди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида авиация парвозларининг асосий қоидалари, деган тушунча қонунчилик даражасида мужассамлаштирилди, у Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг, жумладан, «Парвозларни бажариш қоидалари» деб номланган 62-моддасида, «Ҳаво кемасининг ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатувчи органлар билан радиоалоқаси» деб номланган 66-моддасида, «Ҳаво кемаси ҳалокатга учраганида кема экипажининг вазифалари» деб номланган 71-моддада, «Ҳаво транспорти қатновини таъминловчи органнинг ҳалокат рўй бергандаги вазифалари» деб номланган 73-моддада ҳам акс эттирилди.

36-модданинг номи «Ҳаво кемалари ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш» деб аниқлаштирилиб, модда матнидаги ҳаво кемаларини ва бошқа учувчи аппаратларни ишлаб чиқаришга ҳамда ҳаво кемаларини ишлаб чиқаришни сертификатлаштиришга қўйиладиган талаблар ҳам аниқлаштирилган тарзда ифодаланди.

ИКАО стандартларининг талаблари ва у тавсия қилган амалиётга мувофиқ, халқаро кўламда юк ва фуқаро ташиш ишлари фақатгина давлат тайинлаган (ваколат берган) ташувчилар томонидан амалга оширилиши мумкин. Ана шуни ҳисобга олиб, амалдаги Ҳаво кодексининг 74-моддаси Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемаларида мунтазам халқаро парвозлар Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти белгилаган тартибга мувофиқ тайинланган ташувчилар томонидан амалга оширилиши мужассамлаштирилган бешинчи қисм билан тўлдирилди.

Кодекснинг «Рухсатномалар бериш» деб номланган 96-моддаси ва «Рухсатномаларга риоя этилиши устидан назорат» деб номланган 97-моддаси мазмуни Ҳаво кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқлаштирилди.

Амалдаги Кодекснинг «Ташишга доир ҳужжатлар» деб номланган 101-моддасига кўра, йўловчи ва қўл юки, почта ва юк ташиш шартномасини тасдиқлайдиган ҳужжатлар жумласига чипта ва қўл юки паттаси, нормативдагидан ортиқча қўл юки ҳақини тўлаш паттаси, почта ёхуд юк хати киради. Халқаро стандартларга мувофиқ, ташишга доир ҳужжатлар сирасига юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари авиацияда ташишни назорат қилиш ва унга хизмат кўрсатиш воситаси сифатида фойдаланиладиган бланка шаклидаги ҳужжатларнинг ҳар хил турлари ҳам киради. Шуни ҳисобга олиб, модданинг биринчи қисми қоғозда ёки электрон ифодада расмийлаштириладиган, ташишга оид бошқа ҳужжатлар ҳам шундай ҳужжат бўлиши мумкинлигини назарда тутадиган қоидалар билан тўлдирилди. Ҳозирда Авиация маъмуриятининг ташишга оид ҳужжатлар шаклларини белгилаш борасидаги ваколатлари авиаташувчиларга ўтказилди. Почта орқали юк ташишда юк ташишга оид ҳужжатларнинг шаклини белгилаш ҳуқуқи почта алоқаси соҳасидаги махсус ваколатли органга батамом ўтказилди. 105-моддага киритилган ўзгартишларда Авиация маъмуриятининг, хусусан, ташиш ишларини ташкил қилиш ва тарифларни қўллаш, йиғимлар тўлаш, қатновни кирага сотиш қоидаларини белгилаш соҳасидаги ваколатларини авиаташувчиларга ўтказиш назарда тутилди.

Халқаро ҳаво транспортида юк ва йўловчи ташишларга доир айрим қоидаларни бирхиллаштириш ҳақидаги конвенциянинг 18-моддасига мувофиқ, қайд этилган (рўйхатга олинган) қўл юки йўқолган ёки шикастланган тақдирда, етказилган зарар учун, агар зарар келтирган ҳодиса ҳавода ташиш вақтида юз берган бўлса, ташувчи жавобгар бўлади. Шу муносабат билан Ҳаво кодексининг амалдаги 114-моддаси биринчи қисмида юк ташувчининг фақат рўйхатдан ўтказилган қўл юки бутлиги учун жавобгар бўлиши аниқлаштириб қўйилди.

Халқаро амалиётда юк ташиш шартномасининг бузилиши қайд этиладиган ҳужжатлар, аниқроғи, далолатномалар жуда кўп бўлиб, улар турлича номланган ҳамда турли мақсадларга мўлжалланган. Шу сабабли Кодекснинг 121-моддасида қўлланилган «тижорат ҳужжати» атамаси халқаро амалиётга мос келмайди. Шуни ҳисобга олиб, мазкур моддага «тижорат ҳужжати» деган атамани «ҳаво транспортида ташиш шартномасининг бузилиши тўғрисида далолатнома» деган атама билан алмаштирилди.

Кодекснинг 123-моддасига киритилган ўзгартишлар билан авиаташувчига нисбатан талаб қўйиш ва даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати янада аниқлаштирилди. Авиаташувчига талаб қўйиш ва даъво қўзғатиш ҳуқуқи йўловчилар, юк жўнатувчилар ёки юкни қабул қилиб олувчилардан ташқари улар вакил қилган шахсларга ҳам бериладиган бўлди. Айни вақтда модда йўловчи, юк жўнатувчи, юкни қабул қилувчи вафот этган ёки улар соғлиғининг ҳолати туфайли ташувчига ўзлари талаб қўйиш ва даъво қўзғатиш имконига эга бўлмаган тақдирда, етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳам талаб қўйиши ёки даъво қўзғатиши мумкинлигини белгилайдиган қисм билан тўлдирилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши ва амалиётга жорий этилиши мамлакатимизда авиация тизимининг халқаро талаб ва стандартларга мослаштирилишига ва соҳанинг янада ривожланишига катта хизмат қилиши, шубҳасиз. Бундан ташқари, фуқароларнинг авиация хизматидан фойдаланишидаги хавфсизлигини ва турли тушунмовчиликларни бартараф қилади.

**Ю. БЎРОНОВ ёзиб олди.**

# ГРАНТЛАР ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, энергетика, иқтисодиёт, ҳуқуқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар сингари илм-фаннинг долзарб ва замонавий масалаларига бағишланган.

Танлов якунига кўра, мазкур лойиҳа муаллифларининг ўттиз саккиз нафари ғолиб деб топилди ва давлат грантига сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти патофизиология лабораторияси мудири, тиббиёт фанлари доктори Саидамир Саидов улардан бири. Ёш олимнинг гематология соҳасининг долзарб масалаларидан бири — опластик анемиянинг патофизиологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий лойиҳаси ўз йўналишидаги энг яхши фундаментал тадқиқот деб топилди.

33 ёшни қаршилаган С. Саидовнинг патофизиология соҳасига бағишланган илмий изланишлари натижаси мамлакатимиз тиббиётида кенг фойдаланилаётир. Жумладан, унинг метаболик синдромнинг келиб чиқиши, кечиши ва уни даволашдаги замонавий ёндошувларга оид илмий изланиши ушбу йўналишда диагностика ва даволаш ишларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

С. Саидов ҳозирги кунда жаҳон тиббиётининг долзарб масалаларидан бири – эритроцитларнинг метаболизмини ўрганиш бўйича илмий изланиш олиб бормоқда. Бу илмий лойиҳа гематологик хасталикларни барвақт аниқлаш, бундай касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш ва даволаш борасидаги ишлар кўламини кенгайтиришга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

— Мамлакатимизда ёш авлод жаҳон андозалари даражасида таълим олиши, ўз салоҳиятини тўла намоён этиши учун барча шароитлар яратилган, — дейди С. Саидов. — Давлатимиз раҳбарининг келажак эгаларига кўрсатаётган ана шундай эътибори ва ғамхўрлиги туфайли ўзим танлаган соҳанинг сир-синоатларини чуқур ўрганишга ҳаракат қиляпман. Мамлакатимизда шаклланган тиббиёт илмий мактаблари фаолиятини чуқур ўрганишни, бу борадаги анъаналарни бойитишга, устозларимиз асос солган илмий йўналишларни такомиллаштириш ва эл саломатлигини асрашга муносиб улуш қўшишни асосий вазифам, деб биламан.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**



**▼ Фармон ва ижро**

***Мамлакатимиз корхоналарида импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошмоқда. Бунда Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим омил бўлаётир.***



# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИНГ САМАРАСИ

Пойтахтимиздаги "Тошкент трактор заводи" очиқ акциядорлик жамияти (ТТЗ)да ҳозирда 400 хилдан ортиқ турдаги этиёт қисмлар тайёрланмоқда. Тармоқда маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилаётгани натижасида яқинда маҳаллий хом ашё негизида яна 10 турдан зиёд тайёр маҳсулот, ускуна ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жумладан, янги дизайндаги трактор кабиналари тўлиқ маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётгани учун сифатининг юқорилиги, таннархининг эса арзонлиги таъминланмоқда.

**СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

# ИҚТИДОРЛИ, ТАШАББУСКОР ВА ИЗЛАНУВЧАН

## ёшлар порлоқ келажак яратувчиларидир

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Олтинсой МУСАЕВА, Нукус политехника касб-ҳунар коллежи ўқувчиси:**

— Мен «Келажак овози — 2007» танловида маданият ва санъат йўналиши бўйича ғолиб бўлган эдим. Ҳозир шаҳримиздаги «Ёшлар ташаббуслари маркази» ишида фаол қатнашаяпман. Бу ерда эски дўстларим билан учрашдим, янги дўстлар орттирдим. Маданий тадбирлар доирасида ўтказилган «Ўлкам хазинаси» фестивалида ўзим тайёрлаган либослар билан қатнашдим. Қорақалпоқ миллий либослари ҳаммага маъқул бўлди. Биз ғолиб чиқдик.

**Юлдуз ФАЙЗИЙ, Тошкентдаги нафис санъат мактаб-интернати битирувчиси:**

— «Келажак овози — 2007» танловида бадиий ижод йўналиши бўйича ғолиб деб топилган эдим. Бу йил Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлдим. Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига имтиёзли қабул қилиндим. Оромгоҳда ҳар бир кунимиз қизиқарли ўтаяпти. Мен «Келажак овози» танлови ғолибларининг «Истеъдод» гуруҳи аъзосиман. Гуруҳимиз «Маданият ва дизайн» кунида «Флора ва фауна» йўналиши бўйича ғолиб бўлди. Барча либосларни кўкатлардан, дарахт баргларидан тайёрладик. Бу эса ҳаммани лол қолдирди.

**Зиёда ҚЎЛДОШЕВА, Андижон давлат тиллар педагогика институти талабаси:**

— Қашқадарёга биринчи марта келишим. Бундай жаннатмонанд жойларни сира кўрмаганман. Ҳавоси тоза, соя-салқин, шарқираб сув оқиб ётибди. Тоққа чиққанда роса маза қилдик. Андижондаги «Дийдор» радиосида бошловчиман. Бу ерда «Ёшлар телестудияси»га кўрсатув тайёрладим. Дўстларим ёрдам беришди. Назаримда ёмон чиқмади.

**Алимардон МАҲМУДОВ, Гулистон университети талабаси:**

— Уч йилдан бери таълим грантини олиб ўқияпман. Жамғарма контракт пулини тўлаб бераяпти. Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш гуруҳи аъзосиман. Машғулотларда ташкилотчилик, жамоани уюштириш, низоли вазиятларни бартараф этиш, бир сўз билан айтганда, етакчилик сирларини ўрганаяпмиз. Бу ердаги қизиқарли ўйинлар, мароқли ҳордиқ, дўстлар билан мулоқотлар қалбимизда муҳрланиб қолаяпти.

Ҳа, «Лочин»даги ҳар бир кун эсда қоларли воқеаларга бой. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Оромгоҳда мустақил Ўзбекистоннинг энг иқтидорли, ташаббускор, ташкилотчи ёшлари тўпланишган. Уларнинг жўшқин ҳаёти ва интилишларида мамлакатимизнинг эртанги куни мужассам.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Яхши хабарлар



# БОЗОР ЯНАДА КЎРКАМЛАШАДИ

***Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Сиёб бозорини қайта реконструкция қилишга киришилди.***

Бунинг учун бозор акциядорлик жамиятига 5 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

— Асосий мақсад бозорда сотувчи ва харидорларга зарур шарт-шароитларни яратиш, уни республикадаги энг машҳур савдо ўчоқларидан бирига айлантиришдир, — дейди бозор қурилиши раҳбари Абдукарим Абдуғаниев. — Энди бозорнинг кўрки ўзгача бўлади.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАЪМИР УЧУН САРМОЯ

***Навоий шаҳрида қиш мавсумига ҳозирлик ишлари бошланди.***

Коммуникация воситаларини таъмирлаш, ўз хизматини ўтаб бўлган иссиқлик ва совуқ сув тармоқларидаги қувурларни янгилаш ишлари қизғин бормоқда. Айнан шу муаммони ҳал этиш учун Навоий тоғ-металлургия комбинатининг бирлашган энергия хизмати ташкилоти икки миллиард сўм маблағ ажратди. Таъмирлаш ишлари "Марказий қурилиш- монтаж бошқармаси" томонидан амалга оширилаётир.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЧЎЛПОН»ДА КЎРГАЗМА

***Андижон шаҳридаги Чўлпон номидаги боғда касаначилар маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.***

Касаначилар маҳорати, изланиши, иқтидори кўригига айланиб кетган тадбирда «Асакатекстиль» акциядорлик жамиятида фаолият кўрсатаётган 120 нафар ишчи ҳамда булоқбошилик Малоҳатхон Абдуллаеванинг жундан тўқилган маҳсулотларига юқори баҳо берилди.

Шу куни бўш иш ўринлари бозори ҳам ташкил этилди. 46 та корхона ва фирма, 400 дан зиёд бўш иш ўрни билан иштирок этган меҳнат ярмаркасида 125 нафар фуқаро ўзи ёқтирган соҳа бўйича ишга жойлашди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мустақилликка эришганимиздан сўнг жиддий изланишлар натижасида дренаж сувларини дарёларга ташламасликнинг маҳаллий шароитга мос режаларини ўзида мужассамлаштирган "Ўзбекистоннинг дренаж лойиҳаси" ишлаб чиқилди. У 1994 йили Орол денгизи ҳавзаси Дастурига киритилиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари томонидан тасдиқланди. Кейинчалик шу асосда Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилди.***

# ЕР – ХАЗИНА, СУВ – ГАВҲАР

Жумладан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи томонидан 2004-2010 йилларда Жанубий Қорақалпоғистон ирригация-дренаж инфратузилмаларини реконструкция қилиш ва вэтландларни тиклаш лойиҳаси яратилди. Унда зовурлар йўналишини бевосита Орол сари буриб, Амударё ва унинг дельтасидаги кўллар суви сифатини яхшилаш, ирригация-дренажлар тизимидан фойдаланишни такомиллаштириш, барқарор суғорма деҳқончиликни йўлга қўйиш учун сув ресурсларини жамоавий бошқаришни ривожлантириш, шу тариқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш бош мақсад қилиб олинди. Бу вазифаларни рўёбга чиқариш учун ҳукуматимиз ва Жаҳон банки томонидан 75 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш белгиланди.

Лойиҳада айнан Қорақалпоғистон жанубидаги Беруний, Элликқалъа ва Тўрткўл туманлари дренаж тизими қамраб олингани бежиз эмас. Ҳозир бу ерда 98400 гектар суғориладиган майдон бор. Уларда асосан пахта, ғалла, озуқа экинлари ва мева-сабзавот етиштирилади. Бироқ бу осон кечмайди. Сабаби, экинзорларнинг 70 фоизи сизот сувлари атиги 2 метр чуқурликда бўлган пайкаллардан иборат. Бундай шароитда ҳар 50-75 метрда биттадан зовур бўлиши лозим. Амалда уларнинг оралиғи 400 метрга тўғри келади. Ана шунинг оқибатида ерларнинг 26 фоизи ўртача, 10 фоизи кучли даражада шўрланган.

Бу ҳам етмагандай, ушбу музофотга Туямўйин сув омборидан бошланиб Жомбозқалъа ва Пахтаарна каналларига уланувчи Ўнгқирғоқ каналидан оқиб келадиган ҳамда "Дўстлик", "Қалмичоқ" ва "Найман-Бештом" насос станциялари ёрдамида Амударёдан олинадиган обиҳаётнинг бешдан икки қисми шу пайтгача тупроқ юзасидаги тузни ювишга сарфланарди. Сўнгра 148700 гектар ернинг захини қочиришга мўлжалланган Беруний, Қизилқум ва Аёзқалъа бош коллекторларига ташланар, дастлабки иккитасида мавжуд насослар ёрдамида 8-10 метр баландликдаги Аёзқалъа кўли Амударёга чиқариб юбориларди. Боз устига, мазкур коллекторлар меъёридагидан 1,5-2 метр саёз қазилгани туфайли сизот сувлари кўпинча ўзандан тошиб, ён-атрофга катта зарар етказарди.

Ҳақли савол туғилади: лойиҳа ҳаётга татбиқ этилгач, қандай ўзгаришлар рўй беради? Улар маҳаллий шароитда нечоғли аҳамият касб этади?

— Келгусида деҳқонларни ташвишга солиб келаётган муаммоларга тўлиқ барҳам берилади, — дейди бунга жавобан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ирригация иншоотлари лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи техник директори ўринбосари Бахтиёр Машарипов. — Шу мақсадда, аввало, учала тумандаги хўжаликлараро коллекторларнинг аксарияти тубдан модернизация қилинади. Ўзанлари тозаланган ва юмшатилган ҳолда чуқурлаштирилади. Муайян жойларига янги сув тақсимлагичлар ўрнатилиб, гидравлика ва муҳофазага оид ишлар бажарилади. Беруний, Қизилқум ва Аёзқалъа коллекторлари эса бир-бирига туташтирилиб, 34 та кичик зовур сувини ўзида жамлайдиган 104 километрлик Жанубий Қорақалпоғистон бош коллекторига айлантирилади.

**▼ Мелиорация**

Бироқ ундаги сув аввалгидек насослар воситасида Аёзқалъа кўли ва Амударёга ташланмайди. Аксинча, ўз оқими билан тескари тарафга оқиб, шимол сари 200 чақиримга чўзилган Оқчадарё бош коллекторига бориб қуйилади. Шундай қилиб, жами узунлиги 304 километрлик яхлит тизим вужудга келади. Унинг суви Сирдарёнинг аллазамонлар қуриб қолган ирмоғи — Жанадарёга, Жанадарёдан Орол денгизига йўналтирилади.

Бинобарин, иншоот битгач, ён-атрофдаги экинзорларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, Амударё сувининг ифлосланиши олди олинади. Сизот сувларини унга узатувчи станциялар иши тўхтатилади. Коллектор ўтган жойларда ҳайвонот ва наботот олами кенгайиб, балиқчилик ва чорвачилик ривожланади. Лойиҳадан истисно тариқасида алоҳида қурилаётган Бўстон суғориш канали фойдаланишга топширилгандан сўнг "Дўстлик", "Қалмичоқ" ва "Найман-Бештом" насос станцияларига ҳам ҳожат қолмайди. Ўнгқирғоқ канали ерларни ўз оқими билан бемалол суғора бошлайди. Жанубий Қорақалпоғистон бош коллектори эса том маънода ушбу ҳудуддаги дренажлар тизимининг асосий қон томирига айланади.

Ҳозир лойиҳа ишлари уч йўналишда давом эттирилмоқда. 2006-2009 йилларда ички ва хўжаликлараро суғориш ва зах қочириш тармоқларини замонавийлаштиришни "ТўпалангсувГЭСқурилиш" масъулияти чекланган жамияти, 2007-2009 йилларда Беруний ва Тўрткўл туманларидаги сув шохобчаларини тиклашга оид юмушларни "Амубухороканалқурилиш", "Навоийсувқурилиш" ва "Хоразмсувқурилиш" корхоналари ҳамжиҳатликда олиб бормоқда. Умумий қиймати қарийб 36 миллиард сўмлик Жанубий Қорақалпоғистон бош коллекторини бунёд этиш эса Хитойнинг "Синохийдро" корпорацияси гарданига юклатилган. Шу боис бу ерда чинлик ҳамда ўзбекистонлик мутахассис-ишчилардан иборат 270 кишилик жамоа уч йилдан буён кеча-кундуз бетиним меҳнат қилмоқда. Қай бирлари ўзан қазиш, қай бирлари қирғоқларни мустаҳкамлаш ва кўприк тиклаш билан шуғулланмоқдалар.

Дарвоқе, лойиҳа бўйича бажарилган ишлар ҳозирданоқ илк меваларини бермоқда. Масалан, Беруний ва Қизилқум насос станциялари ёпилиши шарофати билан йилига 1,5 миллиард сўмлик маблағ иқтисод қилинмоқда. Ҳадемай, уларнинг сафига "Дўстлик", "Қалмичоқ" ва "Найман-Бештом"даги сув насослари ҳам қўшилгач, тежамкорлик тағин-да ошиши кутилмоқда. Бундан ташқари, айни кезларда уч юздан ортиқ Бухоро буғуси, кўплаб тўнғиз, бўри, чиябўри ва тулки сингари даррандалар, турли-туман паррандалар макон тутган Бадайтўқай қўриқхонаси қайта тикланмоқда. Негаки, 15 километрлик янги канал орқали етказиб берилаётган чучук сув 6 минг гектарлик тўқайларга жон бағишламоқда. Бу ерда туронғил, юлғин ва жийда каби дарахтлар ҳам кўпайтирилмоқда. Лойиҳага муҳандис-маслаҳатчи этиб тайинланган "Мотт МакДональд-Темелсу" инглиз-турк инжиринг компанияси вакиллари эса Лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳига янги режалар ишлаб чиқишда яқиндан кўмаклашаяптилар. Ўз навбатида, бажарилаётган ишларнинг техник жиҳатлари ва сифатини назорат қилиб, Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ходимларини, фермерлар ва маҳаллий аҳолини сув манбаларини бошқариш, бебаҳо неъматни тежаб-тергашга ўргатувчи машғулотлар уюштираяптилар.

Сирасини айтганда, Жанубий Қорақалпоғистондаги суғориш ва дренажлар инфратузилмасини реконструкция қилиш ҳамда вэтландларни тиклаш лойиҳаси замирида битта катта мақсад ётибди. У ҳам бўлса, Амударё суви сифатини яхшилаб, Оролбўйидаги экологик вазиятни юмшатиш, она заминни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, тупроқ унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ҳар қачонгидан ривожлантириб, халқ турмушини фаровонлаштиришдан иборатдир.

**А. ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

